МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК!

Коммунистик шанбаликлардан бошланган, эндиликда қудратли кучга айланиб қолган социалистик мусобақани ҳар тарафлама қизитиб юборайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 15 апрель 1969 йил, сешанба ● №89 (14.252). ● Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТНИНГ БУРЧИ

Ленин партиясининг аъзоси учун ҳар бир кун муҳим, ҳар фасл унинг олдига жанговар вазифаларни кўндаланг қилиб туради. Коммунист учун йилнинг муайян кун ва ойлари шунчаки вақтни ўтказадиган, қолгани эса долзарб ва муҳим, деган тушунча йўқ. Зотан, миллионларнинг меҳнати билан коммунизмнинг муҳташам биноси қад кўтараётган экан, умумхалқнинг нурли келажак сари шахдам юриши ҳар куни, ҳар соат самарали бўлиши учун шу жамият бинокорларининг олдинги сафида бораётган коммунистлар намуна, авангард куч сифатида фаолият кўрсатишлари зарур.

Айниқса, моддий ноз-неъматлар бунёд этилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган дала меҳнаткашларининг куч-ғайратини ризқи-рўзимиз, мамлакатимиз халқлари олдидаги интернационал ва ватанпарварлик бурчимизнинг моддий ифодаси бўлган пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга сафарбар этиш — республикамизнинг кўз илғамас дала ва яйловларида фидокорона ишлаётган, иши ва сўзи билан ҳаммага намуна бўлиб, халқимизнинг чексиз ҳурмати, меҳр-муҳаббатини қозонаётган қишлоқ коммунистларининг жонажон ишидир.

Ленинчи партиямиз Марказий Комитетининг ўтган йил бўлиб ўтган октябрь Пленуми КПСС XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумларининг қишлоқ хўжалиги масалаларига доир қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, халқ хўжалигимизнинг жуда катта ҳаётий муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигисиз умуман хўжалик қурилишини олиб бориб бўлмаслигини таъкидлади. Пленум партиянинг кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиққан тадбирлари социалистик давлатимизнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини янада ошириб, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаганлигини алоҳида қайд қилди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги жўшқин ишда Коммунистик партиямизнинг социалистик жамиятимиз турмушидаги раҳбарлик роли ўсиб бораётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Экономикамизнинг ана шундай муҳим тармоғи бўлган социалистик қишлоқ хўжалигимиз, хусусан республикамиз қишлоқ хўжалигининг кейинги йиллардаги равнақига назар ташларканмиз, жуда катта юксалиш юз берганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Қишлоқ хўжалигимизнинг муҳим ва етакчи тармоғи бўлган пахтачилик тараққиётнинг оққин йўлига чиқиб олди. Бир неча йилдирки, 4 миллион тонналик марраға чиқиб олдик.

Ленин эришилган натижалар билан кифояланиб, ютуқларга маҳлиё бўлиш совет кишиларига бутунлай ёт, бегона хислатдир. Узоқ йиллар мобайнида тўпланган ижобий тажрибаларни умумлаштириб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлардан тегишли сабоқ чиқариб, бутун диққат ва эътиборни бундан буёнги тараққиётимизни белгилаб берувчи асосий омилларга қаратишимиз даркор.

Октябрь Пленуми жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётига доир жуда катта вазифаларни ҳал этишга бутун совет халқини, унинг авангарди бўлган коммунистларни чорлади. Партиямиз белгилаб берган ҳаётий муҳим тадбирларни амалга ошириш барча меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада кўпроқ яхшилаб, қишлоқ маданиятини ўстириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бошқача қилиб айтганда, биз коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш вазифасини амалда ҳал қилишга киришдик.

Бу вазифа шунчаки кундалик иш жараёнида осонгина ҳал этиладиган масалалар эмас. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришга эришиш партия ташкилотлари зиммасига жуда катта мажбуриятларни юклайди. Ҳозир республикамиз далаларида 200 мингдан кўпроқ коммунист меҳнат қилмоқда. Улар партиямизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасидаги режаларини амалга ошириш учун курашнинг олдинги маррасида турибдилар.

Маълумки, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларининг бевосита ижрочилари колхоз ва совхоз партия ташкилотларига уюшган коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммасидир. Улар юксалиш режаларини ҳал этишда ўз коллективларининг роли ва ўрнини белгилаб олиб, шунга яраша ишлаяптилар, актив фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозир ҳар бир колхоз партия ташкилоти ўрта ҳисобда 87 коммунистни, совхоз партия ташкилоти эса 120 коммунистни бирлаштириб турибди. Ҳолбуки, бундан 15-20 йил муқаддам бу ширин бир орзудек туюларди.

Бу йил республикамизнинг ҳамма область ва районлари учун жуда оғир келди. Қиш ниҳоятда чўзилиб кетди. Вақт шу қадар зиқки, илгари 2-3 кунда қилинадиган ишни бу йил бир кунда бажармаган деҳқон аттанг деб қолиши мумкин. Партия ташкилотлари, коммунистлар юзага келган ана шу вазиятни оқилона ҳисобга олишлари ва ишни шунга яраша йўлга қўйишлари лозим бўлади.

Чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини жуда қисқа иш кунларида сифатли ва уюшқоқлик билан экиб олишни планлаштириб, амалда бунга эришаётган хўжаликлар ҳар бир областда, районда топилади. Вазифа — ана шу тажрибани ҳар бир коллектив мулкига айлантиришдан, беш йилликнинг ҳал қилувчи йили учун мўл ҳосилга замин ҳозирлашдан иборат. Ҳозир партия ташкилотларининг, қишлоқ коммунистларининг бундан кўра муҳимроқ бурчи йўқ.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллик муборак юбилейи тобора яқинлашмоқда. Қишлоқ меҳнат аҳли бу йилги хирмонни юбилейга армуғон этиб олиб келмоқчи. Шундай экан, юбилей хирмонимиз баракали бўлиши учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайлик. В. И. Лениннинг бир асрлик тўйини қишлоқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида улкан натижалар билан кутиб олиш учун бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб ишлайлик.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Беда экиш плани ошириб бажарилди

Самарқанд областининг деҳқонлари 13 минг гектар ўрнига 13 минг 85 гектар ерга беда экиб, планни ортиғи билан бажардилар. Булунғур, Ғаллаорол, Каттақўрғон, Самарқанд районларида пландагидан анчагина кўп ерга беда уруғи сепилди.

ҚАТЪИЙ АҲД

«Пландан ташқари 50 минг метр хом ипакли газламалар, 600 килограмм пишитилган ипак ишлаб чиқарамиз. Планга нисбатан 80 минг сўм кўп фойда кўриб ишлаймиз». Марғилон «Атлас» фирмаси коллективининг бу йилги аҳди ана шундай. Фирма ишчилари шу қатъий аҳднинг устидан чиқиш учун ғайрат қилиб, ўтган уч ойлик ишлаб чиқариш давлат планини оширтириб бажардилар. Бундан ташқари корхонада бу йил 82 та янги хил ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилади. Ҳозир 60 га яқин «АТ—100-5» маркали тўқув машиналари жадал суръатлар билан монтаж қилинаётир.

А. ТУХТАСИНОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 4,5 МИНГ ТОННА

Оҳангарон 9-кўмир шахтаси коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига муносиб туҳфа ҳозирлаш учун курашиб, биринчи квартал планини ортиғи билан бажарди. Улар халқ хўжалигига плandan ташқари 9,5 минг тонна «қора олтин» етказиб бердилар. Ҳозир, шахта ишчилари апрель ойи плани топшириғини ҳам муддатидан 10 кун илгари уддалаш учун ғайрат қилмоқдалар.

В. САЖНЕВ.

Республикамизнинг йирик ғаллакор хўжаликларидан бири бўлган Зомин районидаги «Ударник» совхозининг механизаторлари лалмикор ерларга баҳорги дон экишни қизғин давом эттиришяпти. Бу йил хўжаликда бултургидан 3 минг гектар кўп, яъни 27 минг гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштириш назарда тутиляпти. Совхоз ғаллакорлари ҳар гектар ердан 9 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 23 минг тоннадан зиёд юқори сифатли дон сотишга қарор қилишган. Кузда экилган ғалла барқ уриб ўсяпти. Қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари совхоз ғаллакорларига экинни озиқлантиришда яқиндан ёрдам беришяпти. Суратларда: биринчи бўлимнинг кузги буғдойи самолётлар ёрдамида озиқлантириляпти (юқорида), учинчи бўлимнинг илғор механизатори Юсуп Вилляев бошлиқ экиш агрегати ҳар куни 90-100 гектар майдонга сифатли қилиб уруғ экяпти (ўртада) ва совхоз бўлимларидан бирида баҳорги арпа экиляпти (пастда).

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ҚИШЛОҚЛАР ЧАРОҒОН БЎЛСИН

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ РАЙОНЛАРИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

<> <>

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика қишлоқ районларини электрлаштиришни тезлаштириш масаласини кўриб чиқдилар. Қарорда республика партия, совет ва қурилиш-монтаж ташкилотлари В. И. Лениннинг васиятларини амалга ошира бориб, республикада колхоз, совхоз ишлаб чиқаришини электрлаштириш ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмушида электрдан кенг фойдаланишни таъминлаш борасида анчагина ишлар қилинганлиги таъкидланади. 1969 йил 1 январгача салкам 60 минг километр узунликдаги электр узатиш линиялари ишга туширилди, колхозчи ва совхоз ишчиларининг 1 миллион 100 мингдан ортиқ хонадони электрлаштирилди, республикадаги қишлоқ районларидан 48 тасини ялписига электрлаштириш тугалланди. Жумладан, Тошкент ва Андижон областларининг барча районлари тўла электрлаштирилиб бўлинди. Колхозларнинг 90 процентдан ортиғи ва барча совхозларнинг 70 проценти марказлаштирилган давлат электр тармоқларидан электр энергия олиб турибди. Эндиликда бу колхозлар ва совхозлар колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг турмушини тағин ҳам яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун реал имкониятларга эга бўлиб қолдилар.

Шу билан бирга қарорда республика қишлоқ хўжалигини электрлаштириш планлари суст бажарилаётганлиги таъкидланади. Агар 1966—1968 йилларда 0,4—20 киловольт кучланишли электр узатиш линияларидан қишлоқ жойларда 17,6 минг километр барпо қилиш лозим бўлса, шу давр ичида ҳақиқатда 16,5 минг километр линия ишга туширилди. Колхозчилар ва совхозлар ходимларининг 250 мингдан кўпроқ хонадони ҳали электрлаштирилганича йўқ.

Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишининг электр энергиядан фойдаланиш салмоғи 1965 йилдаги 128 киловатт-соатдан 1968 йилда 221 киловатт-соатга кўтарилган бўлса ҳам, ҳали Совет Иттифоқидаги ўртача кўрсаткичлардан қарийб икки баравар орқада қолинмоқда. Бу масалада айниқса Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР сусткашлик қилмоқда.

Колхоз ва совхозлардан Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қабул қилиб олган электр тармоқларини қайта тиклаш ҳамда ремонт ишлари секин олиб борилмоқда. Бу ҳол қишлоқ истеъмолчиларини электр энергия билан нормал таъминлашга халақит беряпти.

Кўрсатилган камчиликларнинг сабаблари шундаки, «Узсельэлектрострой» тресги корхоналари ва кўчма механизациялашган колонналари механизмлар билан тўла жиҳозланмаган, асосий моддий ресурслар билан яхши таъминланмаган, трестнинг ишлаб чиқариш базаси секин ривожланмоқда. Электр тармоқлари районлари механизмлар ва транспорт воситалари билан етарли таъминланмаган.

Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва «Главташкентстрой» Узун темир-бетон буюмлари полигони, Термиз ва Нукус ишлаб чиқариш базалари ҳамда уй-жой объектларини секин қурмоқда. Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ихтисослаштирилган ремонт-ишлаб чиқариш корхоналари яхши ишламаётганлиги қурилиш суръатлари ва қишлоқларда электр узатиш линияларидан фойдаланиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Средазэлектросельстрой» тресги линиялар ва 35 киловольт ҳамда ундан ортиқ кучланишли подстанциялар қурилиши планларини бажармаётир. Бу эса маълум даражада қишлоқ объектларини давлат қарамоғидаги электр линиялари билан улашни кечиктирмоқда.

«ВНИПИСельэлектро»нинг Ўрта Осиё бўлими қишлоқ хўжалигини электрлаштириш объектларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида ва тўла таъминламаяпти. Энергетика ва электрлаштириш министрлиги республиканинг қишлоқ районларида электр тармоқлари хўжаликларининг муваффақиятли ривожланишини белгиловчи барча масалалар комплексини астойдил ҳал қилишда қатъият кўрсатмаяпти.

Айрим область партия ва совет ташкилотлари қишлоқ районларини электрлаштиришга кам эътибор бермоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети колхозчилар ва совхоз ходимларининг хонадонларини электрлаштиришни тугаллаш ишларини асосан 1970 йилда ва 1971 йилни тамоман поёнига етказишни таъминлаш партия, совет ва комсомол ташкилотларининг, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда унинг қурилиш-монтаж ташкилотлари олдида турган вазифа деб таъкидлайдилар.

Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг 1969 йилда 0,4—10 киловольт кучланишли қишлоқ электр узатиш линиялари қурилиши ва республика районлари бўйича колхозчилар ҳамда совхоз ходимларининг хонадонларини ёппасига электрлаштиришни 1969—1971 йилларда тугаллаш графиги топшириқлари тасдиқланди.

Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қуйидагилар топширилди:

колхозлар ва совхозлардан электр тармоқларини қабул қилиб олишни 1970 йилда тугаллаш, уларни энергетика системасига улаш ва техникавий жиҳатдан талаб қилинган ҳолатга келтириш; қишлоқ истеъмолчиларини электр энергияси билан доимий таъминлаб туришни яхшилаш;

1969 йилда Бухоро ва Каттақўрғон шаҳарларидаги ихтисослаштирилган ремонт-ишлаб чиқариш корхоналари филиалларини кенгайтириш, шу тариқа трансформаторлар ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган бошқа электротехника ускуналарининг ремонт қилиб турилишини таъминлаш;

кўчма механизациялашган колонналар ва механизациялашган ремонт станциялари ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳамда уларни техникавий жиҳатдан жиҳозлашни яхшилаш;

механизациялашган колонналарнинг кун бўйи ишлашини таъминлаш, механизмлар ва автотранспортдан яхшироқ фойдаланиш;

Республика Госпланига 1969 йилда «Узсельэлектрострой» тресги учун иш ҳажми кўпайганлиги муносабати билан қўшимча моддий-техника ресурслари ажратиш топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Совхозимиз чорвадорлари Ватаннинг юксак мукофоти — КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик Қизил байроғига ва хўжалик коллективининг жуда оғир келган ўтган қишнинг синовларидан муваффақият билан ўтиш соҳасидаги фаолиятига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети берган юксак баҳога амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, қоракўл тери тайёрлаш ҳамда ўстириш учун қўзи қолдириш планини муваффақиятли бажардилар. 47500 та — пландагидан 15 мингта кўп — аъло сифатли қоракўл тери тайёрланди. Ўстириш учун 20 мингта қўзи қолдирилди.

Совхоз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан ўрта ҳисобда 167 тадан қўзи олинди. Яна 6 минг бош совлиқдан қўзи олиш кутилмоқда.

Коллективимиз яқин кунлар ичида янги социалистик мажбуриятларини ҳам бажариш учун қатъият билан курашмоқда. Биз эришган муваффақиятларимизни улуғ Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаймиз.

М. ЛАХАНОВ,

Фориш районидаги «Қизилқум» совхозининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор.

И. ШОРАЕВ,

совхоз партия комитетининг секретари.

А. БАДАХОВ,

совхознинг бош зоотехниги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор.

М. ЕСПЕНБЕТОВ,

ишчилар комитетининг раиси.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

1969 ЙИЛ 14 АПРЕЛГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — чигит экиш плани (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — жами чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти; бешинчи стун — бир кунда чигит экилган майдон)

Сурхондарё	116,5	29724	25,5	2516
Наманган	134,9	11888	8,8	4037
Андижон	184,3	11922	6,4	4290
Қашқадарё	94,7	5042	5,3	—
Фарғона	193,7	4811	2,5	1803
Тошкент	142,1	2867	2	255
Бухоро	163,4	1419	0,9	—
Самарқанд	172,7	906	0,5	1
Сирдарё	253	177	0,1	49
ҚҚ АССР	126,5	19	—	—
Хоразм	103,7	11	—	7
Республика бўйича:	1685,5	68786	4,1	12928

ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ

Кеча, 14 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан республика раҳбар ходимлари учун очилган лекториййнинг навбатдаги машғулоти ўтказилди.

Тарих фанлари доктори Б. В. Лунин «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқлари» деган мавзуда лекция ўқиди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

ИШЧИ ШАРАФИ

Заводимиз республиканинг тўнғич корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг пойдеворига дастлабки ғиштни қўйиб, авайлаб-ардоқлаб ўстирган, воягa етказган авлод вакилларининг кўплари ҳозирги кунда ҳам сафимизда. Уларнинг ҳикоя қилишича, Ўзбекистон машинасозлигининг бу қалдиргоч ўз ишини илк ташкил қилинган колхоз ва совхозларга плуг тайёрлашдан бошлаган экан. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда заводимиз пахта териш машиналари ишлаб чиқара бошлади. Машиналаримизнинг конструкциялари йилдан йилга такомиллашиб борди. Заводимиз кенгайди, янги цехлар ташкил қилинди. Ишчиларнинг сафи беқиёс ўсди. Икки қаторли «ХТ-1,2» пахта териш машинаси ишчиларнинг пахтакорларга ажойиб совғаси бўлди. Қардош Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва республикамиз далаларида жавлон ураётган пахта териш машиналари бизнинг корхона маҳсулотидир. Кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам корхонамиз машиналари д а н фойдаланишмоқда.

Машиналаримиздан кўп кишилар мамнун. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу гаплар ана шу машиналарни ҳаётга йўллаган меҳнаткаш, жафокаш ишчилар синфининг шаънига айтилган миннатдорчилик сўзлари деб қабул қиламиз. Бундай миннатдорчилик сўзлари заводимиз ишчиларини янги меҳнат жасоратига чорлаяпти. Уларни ишчи деган номни ардоқлашга ундаяпти. Заводимизнинг ҳар бир ишчиси деҳқоннинг оғирини енгил қилиш, пахтачиликни комплекс механизациялаш ишига хизмат қилаётганини жуда яхши билади.

Корхонамизда тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасида илғор механизаторлар мавсумда 400-500 тоннадан пахта терганлиги корхонамиз ишчиларининг қувончига-қувонч қўшди, уларни яна изланиш ва ижодкорликка даъват этди. Ишчиларимиз деҳқоннинг шаҳардаги мададкори эканлигини юксак англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Совет ёзувчиларидан бири АҚШнинг Нью-Орлеан штатида бир инженер билан тасодифан учрашиб қолади. Америкалик инженер пахта терадиган машина лойиҳасини яратганлигини айтибди. Унинг патенти учун кўп пул ваъда қилишибди. Дастлаб инженер патент сотишга кўнибди, бу ҳақда бир иқтисодчи танишига гапирибди. Иқтисодчи билан гаплашганидан сўнг, инженер ўз фикридан қайтибди. Сабаби — борди-ю, пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилса, кўп минглаб одамларнинг иссиғ қолишига сабабчи бўларди. Қисқаси, унинг ихтироси юлдуз кўрмай сўнибди. Қаранг, капитализм дунёсида ҳатто техника тараққиёти ҳам ишчилар бошига беҳисоб кулфат солади.

Юқорида айтганимдек, «Ўзбекистон» маркали терим машинасининг ишидан деҳқонлар ниҳоятда мамнун. Лекин шунга қарамай, биз пахтачиликни механизациялашни янада такомиллаштириш мақсадида, янги ва иши унумлироқ машиналар комплексини яратиш устида жиддий ишлар олиб бормоқдамиз. Бунга аввалги пахта териш машиналарига нисбатан қувватлироқ ва кўпгина қулайликларга эга бўлган олти қаторли терим машинасининг дастлабки синовдан муваффақиятли ўтганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бундай ҳайрли ишларни рўёбга чиқаришда конструкторларимиз билан бирга мақсади улуғ ишчиларимиз изланмоқдалар.

Шу кеча кундузда заводимизда 30 миллат вакиллари бир эзгу мақсад йўлида аҳиллик билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири ишчи деган шарафли номни доимо покиза сақлашга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва ортиғи билан бажарганлари ҳолда жамоат ишларида ҳам актив иштирок қиладилар. Масалан, 15-цех слесари Тўйчи Ҳайдаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, эксперименталцех слесари А. И. Риндин, завод директори И. Х. Мусин область партия комитетининг аъзоларидир. Фозил Солихўжаев шаҳар партия комитетининг; Ғулом Зоиров, Қумри Қўчқоровалар эса район партия комитетининг аъзоларидир. Шунингдек, бир неча ишчи, инженер-техник ходимларимиз завод партия комитетининг аъзоларидир.

М. Мўйдинов, Н. Н. Боронов, А. Н. Локтеева, Н. Раҳматуллаевлар шаҳар Советига депутат, ўнга яқин ишчи ва хизматчиларимиз район Советининг депутати сифатида халқ хизматкори деган ишончни оқламоқдалар.

Донги бутун республикамизга тарқалган меҳнат ветерани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсуповни ҳамма ҳурмат қилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, созловчи Наталия Удалова, Ленин орденли Фозил Солихўжаев, С. Д. Фадин ва А. П. Татаринцевлар билан коллективимиз ҳақли равишда фахрланади.

Яқинда салкам 40 йилдан бери заводда баракали меҳнат қилиб, ишчи шарафини улуғлаган ветераннардан Зокир Аҳмаджонов ва А. Дурмановларнинг меҳнат тўйларини ўтказдик. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Шогирдлари самимий юрак сўзларини айтишди. Оддий ишчиларимизнинг тўйи бутун завод меҳнат аҳлининг тўйига айланиб кетди.

Халқимизнинг дарахт бир жойда кўкаради, деган доно гапи бор. Жуда ҳақ гап. М. И. Зверинцев заводга оддий ер қазувчи бўлиб ишга кирган эди. Ҳозир йиғув цехининг бошлиғи. Меҳнат фаолиятини темирчиликдан бошлаган П. П. Вязовский тайёрлов цехига бошчилик қилмоқда. Ишни шогирдликдан бошлаган Адҳам Қосимов эса ҳозир цех бошлиғи ўринбосари лавозимида ишламоқда. Завод касаба союз комитети раиси ўринбосари Собиржон Сотиболдиев бундан чорак аср илгари монтёрга шогирд эди.

Ҳамма гап касбга меҳр қўйишда ва унинг сир-асрорини эринмай ўрганишда. Кишини унинг меҳнати рўёбга чиқаради, дейишади. Заводимизнинг эътиборли ва баобрў кишиларидан В. А. Константопуло 1927 йилда меҳнат фаолиятини шогирдликдан бошлаган эди. Шу кунларда ишчи ва инженер-техник ходимлар унинг олдига турли масалалар билан мурожаат қилиб киришади. Завод бош инженери ўринбосари ҳузуридан ҳамма вақт мамнун бўлиб чиқишади.

Заводимиз ўтган йиллар мобайнида ҳар жиҳатдан камол топди. Техника тараққиёти ишчилардан билим савиясини оширib, маҳоратини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Буни яхши тушунган ишчиларимиз билим савияларини доимо ошириб бормоқдалар. Заводимизда ишлаётган ишчиларнинг аксарияти ўрта маълумотли. Кўпчилиги олий ўқув юртларида сиртдан ва кечқурун ўқимоқдалар. Завод маъмурияти, партия комитети уларга зарур бўлган барча имкониятларни яратиб беришга интилмоқда.

Биз ишчилар сафига янги қўшилаётган ёшларни кекса авлод аъналарига содиқ ва уларнинг муносиб ўринбосарлари бўлишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Кекса авлод қўлидан меҳнат эстафетасини қабул қилиб, уларнинг бой тажрибаларини қуғ билан ўрганаётган ёшларимиз жуда кўп. Масалан, заводимиз ифтихори Мустақим Юсупов ишлаётган цехда меҳнат қилаётган Тўйчи Ҳайдаров, кекса ишчининг ўғли Шавкат Юсупов шулар жумласидандир. П. П. Вязовский ва З. Аҳмаджоновлар хизмат қилаётган 10-цехда ёш ишчи М. Мўйдинов, М. И. Зверинцевнинг ўғли Юрий, кекса ишчи Тошпўлатовнинг қизи Каромат оталари билан бир сафда халқимиз бахт-саодати йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Завод партия комитети кейинги йилларда илғор ишчиларни партия сафига қабул қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Ҳозир 700 га яқин коммунист партия комитети раҳбарлигида ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида шахсий намуна кўрсатиб ишламоқда. Улар меҳнатда ҳам, юриш-туришда, муомалада ва жамоат ишларини бажаришда барчага ўрнак бўлмоқдалар. Меҳнат фронтида ўзини кўрсатган кўплаб ёш ишчилар Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Биз бундан кейин ҳам ишни ана шундай давом эттираверамиз.

Бевосита моддий неъматлар яратаётган ишчилар синфига ғамхўрлик қилиш завод маъмурияти, партия комсомол ва касаба союз комитетларининг доимо диққат марказида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Заводимизга ишга кирган ёлғиз ишчиларга ётоқхонадан жой берилади. 2 минг ўринли шинам ётоқхонамиз бор. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 400 га яқин ишчига янги квартиралар берилди.

Завод территориясида ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятларни муҳайё қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Клуб, спорт заллари бор. Болалар боғчаси, ясли мавжуд. Чимёндаги пионерлар лагерида ишчиларнинг фарзандлари ором олишади. Қирғизистондаги Иссиқкўл дам олиш уйимизда ишчилар оила аъзолари билан меҳнат отпускаларини ўтказишади. Кўплаб ишчилар жонажон мамлакатимиз шаҳарлари ва хорижий мамлакатларга саёҳатларга бориб келишди.

Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан Сирдарёда овчилар ва балиқчилар уйи очилди. Лекин бу соҳада ҳали кўп нарсаларни амалга оширишни мўлжалламоқдамиз.

Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети «Ташсельмаш» заводида пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида махсус қарор қабул қилдилар. Заводимиз ишчилари беш йилликнинг тўртинчи йилида 10600 та, яъни бултургидан 3000 та кўп машина тайёрлашга сўз берганлар. Улар ваъдага вафо қилиш учун қўшимча резерв ва имкониятларни омилкорлик билан ишга солмоқдалар, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиб, ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланмоқдалар.

Заводимиз ишчилари улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини ишчилар синфига хос меҳнат ғутаринкалиги руҳида кутиб олишга, қутлуғ айёмга муносиб меҳнат совғалари ҳозирлаш иштиёқида енг шимариб меҳнат қилмоқдалар.

П. ЮСУПОВ,
«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

Суратда: «Ташсельмаш» заводининг ветеран ишчиси Зокир Аҳмаджонов. У 38 йилдан буён баракали меҳнат қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам касбдошлари Зокир ака ҳақида гап кетганда қўли гул деб мақташади.

И. Глауберзон фотоси.

ЮБИЛЕЙ МАРШРУТИ

Йўлдош шаҳар — Сергелига борадиган тўғри ва равон асфальтланган янги йўл бўйлаб трамвай-троллейбус башқармасининг қурилиш-ремонт бригадаси азаматлари биринчи узоқ масофали троллейбус йўлини монтаж қилишга киришдилар.

30 километрли масофани ташкил қилувчи бу йўлда олтита электр подстанциялари қуриш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, шаҳарнинг ўзида 17 километрга яқин троллейбус йўли ва 22 километрга яқин трамвай йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётир.

Булар тўртта троллейбус маршрути — Шота Руставели, Волгоград, Мукимий кўчалари бўйлаб, Богдан Хмельницкий кўчасидан Тарас Шевченко кўчасигача, Шота Руставели — Хмельницкий — Аэропорт ва Навоий, Энгельс кўчасидан Сивер хиёбонигача давом этади. Иккита трамвай маршрути — Оқ уйдан Қўйлиқачча ва генерал Петров кўчасидан Високовольт массиви ҳамда Роҳат кўлигача давом этадиган йўлдан янги вагонлар юра бошлайди.

Ҳ. НОСИРОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни босиб чиқарди:

М. Баратов. Ибн Сино этикаси. Тиражи 14000, баҳоси 4 тийин.

Н. Шуқуров, С. Мирзаев. Асрлар поэзиясида Самарқанд мадҳияси. Тиражи 21600, баҳоси 6 тийин.

Л. А. Исломова. Ўзбекистон халқларининг эстетик мероси ҳақида. Тиражи 13080, баҳоси 4 тийин.

Э. Охунова. Дунай тўлқинлари. Тиражи 22600, баҳоси 6 тийин.

В. Юсупов. Вьетнам жасорати. Тиражи 19600, баҳоси 6 тийин.

Ҳ. Акбаров. Экран ва адабиёт. Тиражи 20600, баҳоси 6 тийин.

Р. Беркибоев. Мирзачўлнинг истиқболи. Тиражи 19600, баҳоси 6 тийин.

Х. Исматуллаев. Ўзбек адабиётининг оламшумул шуҳрати. Тиражи 20600, баҳоси 6 тийин.

И. Фозилов. Медицина ва хуруфий одатлар. Тиражи 19600, баҳоси 6 тийин.

Я. Шермуҳамедов. Ахлоқ илоҳийми? Тиражи 21610, баҳоси 6 тийин.

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ...

ФЕЛЬЕТОН

Икки киши чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирибди.

— Уф!—деб қўйди новчароғи.

— Нега энди ҳа деб бўғиларасиз? — кўнгил сўради иккинчиси.

— Бўғилмай десам ҳам бўғилиб кетяпман-да.

— Сабабини очиқроқ айтсангизчи.

— Сабаби шу мудир-да.

— Қайси мудир?

— Йўлдош Қурбоновни айтяпман. Илгари район маданият бўлимининг мудири эди. Қишлоқ ишлари очилиб жазоланиш ўрнига, мана кўриб турганингдек, бизга бошлиқ бўлиб келди. Ўша кундан бошлаб район алоқа бўлимидан файз кетди. Ҳар куни жанжал, ҳар куни дил сиёҳлик. Одамлар бир-бирига ишонмай қолди, аризабозлик бирам кучайиб кетдики, асти қўяверасиз. Бор йўғи бир юзу ўн олтита ходим бор. Сал кунда Қурбонов ана шулардан 64 кишини ишдан бўшатиб юборди, шундан кейин ҳам бўғилмай бўладими! Ишнинг кўзини биладиган, тажрибали ходимларимизни бекордан-бекорга бўшатиб юборди-я! Нега бундай қиласан десак, «нима қилай ахир, бошлиқ бўлганимдан кейин ўзимни кўрсатишим керак-да!» дейди. Тапни қаранг-а... Бугун қарасангиз буйруқ бериб одамларни ишдан олиб, ўрнига бу ишларга алоқаси йўқ кишиларни тайинлайди, эрта қарасангиз туппа-тузук ишлаб турган ходимларни ўз ўрнидан бошқа ёққа кўчириш ҳақида буйруқ беради. Нега бундай қилдингиз десангиз, «нима қилай ахир, бугун бекор қолдим» деб қўяди кулиб...

— Ё товба, раҳбар ҳам шунақа бўладими-а?

— Шошмай туринг, буниси ҳали ҳолва. Қурбоновнинг энг ёмон одати шуки, жиноятчини суриштириб топиб, ўша билан дарров ога-ини бўлиб олади. Шомурод Сайдуллаевни танисангиз керак. Алоқа бўлими мудирлари орасида ундан олғири йўқ. Давлат пулини ўзлаштириб, шармандаси ҳам чиққан. Жиноятлари очилгач. Қорақалпоғистон АССР алоқа бошқармасидан Сайдуллаев алоқа бўлими ишларига яқин йўлатилмасин деб махсус буйруқ келди. Буйруқ келди-ю... у ёғи нима бўлди денг?

— Хўш, у ёғи нима бўлди?

— Қурбонов мен тирик эканман ялло қилиб юравер деб Сайдуллаевни «Мангит» совхозидаги алоқа бўлимларидан бирига бошлиқ қилиб тайинлади.

— Жиноятчини-я?

— Шунинг учун бўғиляпмиз-да. Қурбонов шу кеча-кундузда алоқа бўлимларининг оддий ходимларини ҳам қувди-қувди қилиб юрибди. Ҳеч кимнинг қўли ишга бормайди, хатхабарлар, газета журналлар ҳафталаб тарқатилмайди. «Коммунизм» участкасида эса бир ойча қолиб кетди. Обуначилардан Мадёров, Нуримбетов, Сафаров сингарилар арзи-дод қилиб, ҳатто республикагача ёзишди. Бари бир бўлмади. Охири ўзимизнинг ходимлардан Аразбой Сафаров тоқати тоқ бўлиб Қурбоновни танқид қилиб чиқди.

— Хўш, фойдаси бўлдими?

— Аксинча, бечора балои азимга қолди. 1960-йилдан буён мудирлик қилиб келарди, унинг бўлими коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли ном ҳам олган эди. «Сен ҳали мени танқид қиладиган бўлдингми» деб Қурбонов уни ишдан олиб ташлади ва «Кимда ким мени танқид қилса, оёғини осмондан келтираман» деб ҳамма бўлимларга ўзи телефон қилиб чиқди...

— Бай-бай-бай! Жуда ҳаддидан ошиб кетибди-ку!

— Нимасини айтасиз! Алоқа бўлими ходимлари арз қилиб Тошкент-у Москвагача боришди. СССР Алоқа министрлигидан келган хатни эшитгандирсиз?

— Йўқ, эшитмадик.

— Ўқиб берайми?

— Қани?

— Марҳамат: «Ўзбекистон ССР алоқа министрига.

Амударё район алоқа бўлими ходимларининг коллектив равишда ёзган шикоятлари текшириб кўрилганда келтирилган фактларнинг кўпчилиги тасдиқланди. Ўртоқ Қурбоновнинг бундан сўнг район алоқа бўлими бошлиғи лавозимида қолиши мутлақо мумкин эмас.

О. МАҚАРОВ,
Бош почта бошқармасининг бошлиғи».

— Хўш, шундан сўнг ҳам Қурбонов ўз ишида қолаверди-ми?

— Қолаверди. Ҳеч ким ҳатто ҳой ўпкангни бос, дегани ҳам йўқ. Негадир район партия комитети билан район ижроия комитети ҳам сукут сақлаб келмоқда. Ўнлаб шикоятлар тортмаларда сарғайиб ётибди.

— Наҳотки меҳнаткашларнинг арзи-додига шунчалик совуқ муносабатда бўлишса!

— Биз ҳам шунга ҳайронмиз-да...

Улфатлар юраклари бўшагунча чой ичиб, суҳбатлашиб ўтиришди. Охири «қани сабр қилиб турайлик-чи. Амударё районида ҳам меҳнаткашларнинг арзи-додини эшитиб, ҳаддидан ошган Қурбоновнинг попугини силаб қўядиган бирон ташкилот топилиб қолар» деб секин ўринларидан туришди.

Ф. ЖУМАНИЕЗОВ,
Т. КАРИМОВ.

КАРШИ тикувчилик фабрикасида беш йиллик илғорларининг сафи кенгайиб бормоқда. Суратда: чевар тикувчи М. Эшонқулова. У смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда.

А. Тўраев фотоси.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУҲИМ ДАРСЛИК

«Ўқитувчи» нашриёти профессор Т. А. Саримсоқовнинг «Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси» номли дарслигини босмадан чиқарди. Китоб олий ўқув юртлари студентларига мўлжалланган. Асар муаллифининг Тошкент Давлат университетида бир неча йил мобайнида ўқиган лекциялари асосида тузилган, университетлар ва педагогика институтларининг программасига мослаштирилган.

Ҳақиқий ўзгарувчи функциялари математика тармоқлари орасида терминологияси нуқтаи назаридан, тегишли тушунчаларнинг абстрактлиги, баён жиҳатдан энг қийин дарс ҳисобланади. Академик ўз китобида бу мураккаблиларни моҳирлик билан ҳал қилган. Натижада бу соҳа бўйича ўзбек тилида биринчи марта илмий ва методик жиҳатдан пухта асар яратилган.

Дарслигнинг муқаддима қисмида алфавит тартибида кўрсатгич ҳам берилганда, машқ ва масалалар билан тўлдирилганда, унинг қиммати яна ҳам ортарди.

Дарсликда терминлар яхши танланган, иборалар қисқа, ихчам, ҳозирги замон ўзбек адабий тили қоидаларига риоя қилинган. Лекин тил услуби яна ҳам такомиллаштирилса, маъқул бўларди. Жумладан, элементларнинг икки тўплами орасидаги мослик ҳақида сўзлаб, автор «ўзаро бир қийматли мослик» ибораси ишлатган (15 ва бошқа betлар). Бунинг ўрнига «тўпламларнинг бирма-бир мослиги» дейиш маъқулроқ, чунки тўпламлар нуқталардан иборат бўлган ҳолда, қийматнинг ҳақида сўзлаш маъносини йўқотади.

Дарслик халқимизнинг математика маданиятини ошириш борасида фахрли ўрин эгалайди. Унинг мукаммал бўлиши борасида айтилган фикрлар нейнки нашрларида тўлдирилар. Шу билан бирга, биз академик Т. А. Саримсоқовнинг ҳозирги замон математикасининг чўққилари ҳисобланган функционал анализ, топология фанларидан юксак савияда ёзилган навбатдаги асарларини кутмоқдамиз.

М. СОБИРОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети умумий математика кафедрасининг мудири.

ҚИШЛОҚЛАР ЧАРОҒОН БЎЛСИН

(Боши биринчи betда).

«Ўзсельхозтехника» бирлашмасига Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг республика қишлоқларини электрлаштириш билан шуғулланаётган кўчма механизациялашган колонналарини ҳамда ремонт-ишлаб чиқариш станцияларини бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларини қатор эҳтиёж қисмлар ва материаллар билан таъминлаб туриш вазифаси юклатилди.

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги системасида қишлоқ хўжалигини электрлаштириш билан шуғулланадиган иккинчи ихтисослашган трест тузиш зарур деб топилди. Бу трест Самарқанд шаҳрида жойлашиб, республиканинг жанубий ҳамда шимоли-ғарб районларига хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда «ВНИПИСельэлектро»нинг Ўрта Осиё бўлими билан биргаликда икки ой мобайнида электрлаштирилмаган барча аҳоли пунктларини аниқлаш, районлар ва областларда қишлоқларни электрлаштириш ишлари ҳажмини белгилаш юклатилди.

Госпланга аҳоли яшайдиган бу пунктларни электрлаштиришни 1970—1971 йиллар халқ хўжалиги планларида кўзда тутиш топширилди. «ВНИПИСельэлектро»нинг Ўрта Осиё бўлими зиммасига қурилиш ташкилотларига сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларини кўрсатилган ҳажмда ўз вақтида юбориб туриш юклатилди.

Қурилиш министрлигига нуйидагилар топширилди:

Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қишлоқ электр узатиш линиялари қурилиши учун темир-бетон тирақлар ва деталларни халқ хўжалиги планларида кўзда тутилган ҳажмда ўз вақтида юбориб туриш, жўнатиладиган темир-бетон буюмларнинг сифатини ошириш ёрдамчи қурилиш материалларини бир меъёрда юбориб туриш;

1969 йилда «Ўзсельэлектрострой» трестининг Ўзун темир-бетон буюмлари заводида белгиланган қўшимча қурилиш-монтаж пудрат ишларини 94 минг сўмлик қилиб адо этиш ва шу трестнинг Кувасой темир-бетон буюмлари заводида 186 минг сўмлик иш бажариш.

Қурилиш министрлиги ва Қишлоқ қурилиши министрлигига бир ой давомида Энергетика ва электрлаштириш министрлиги барпо қилаётган объектлар қай аҳволда эканлигини ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг 1969 ва 1970 йилларда фойдаланишга топширилишини таъминлайдиган барча тадбирларни кўриш таклиф қилинди.

Тошкент область ижроия комитетига бир ой ичида «Ўзсельэлектрострой» трестининг ёрдамчи корхоналари комбинати ва ишлаб чиқариш технологик комплектлаш бошқармаси биноси қурилишлари учун ер участкаси ажратиб бериш масаласини ҳал этиш топширилди.

Госпланга Қурилиш министрлигининг 1970 йилга мўлжалланган пудрат ишлари планида Чирчиқ шаҳрида 600 ўринли профессионал-техника билим юрти биноси қурилишини кўзда тутиш топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига уйларни тақсимлаш вақтида Энергетика ва электрлаштириш министрлиги иштирокчи билан қурилаётган уйлардан электр тармоклари корхоналари ҳамда кўчма механизациялашган колонналар ходимлари учун квартиралар ажратиш ва уй-жой тақсимлашдаги қарзни 1969 йилнинг биринчи ярмида узиш юклатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва «ВНИПИСельэлектро»нинг Ўрта Осиё бўлими зиммасига СССР Халқ контроли комитетининг 1969 йил 18 мартдаги қарори ва Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг 1969 йил 3 январдаги республика қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг боришни ва аниқланган камчиликларни тугатиш тўғрисидаги докладномасини муҳокама қилиш юклатилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига «Ўзсельэлектрострой» трестининг механизациялашган колонналарини этапликка олишни уюштириш вазифаси топширилди.

Республика ва область газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига республика қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг боришини мунтазам ёритиб турчи тавсия қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва район партия комитетларини, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советини, область ва район ижроия комитетларини қишлоқ районларини электрлаштиришга кўпроқ эътибор беришга, колхоз ва совхозларга, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги органларига ва бошқа ташкилотларга колхозчилар ҳамда совхоз ходимларининг хонадонларини ялписига электрлаштиришни қисқа вақтда тугаллаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда доимий ёрдам кўрсатишга даъват этадилар.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ СЛЁТИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область ишчи-деҳқон мухбирларининг слёти бўлиб ўтди. Слётда докладчи — Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи область бўлимининг раиси Ҳ. Мўминов доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан ишчи-деҳқон мухбирлари олдида турган зарур вазифаларни таҳлил қилиб берди.

Слётда Бухоро область партия комитетининг секретари У. Ҳ. Камолов нутқ сўзлади.

Т. НАЗИРОВ.

БЎРОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ЛАВҲА

Кекса Кўҳитангтоғ тизмалари орасида Шеробод районидаги «Коммунизм» совхозининг 60 сурув қоракўл қўйлари боқилади. Бу сурувларда 40 мингдан зиёд қўй-эчки бор. Улар Вандоб, Шержон, Пошхурд, Зарабоғ, Қорабоғ, Шалқон ва Қипилолма яйловларида кезади. Баланд чўққига чиқиб назар ташласангиз, яйловларнинг умумий кўриниши учбурчакни эслатади. Унинг энг ўткир бурчаги қўшни Туркманистоннинг сарҳадларига бориб тақалади.

Январь ойидаги мисли кўрилмаган қаттиқ совуқлар, довул ва қор бўронлари чорвадорлар учун жуда оғир бўлди. Бироқ, чорвадорлар, механизаторлар ва мутахассислар бир ёқадан бош чиқариб, табиат қаҳри-ғазабига қарши зўр жасорат билан курашдилар. Ўнлаб автомашина ва трактор тележкалари қишлов жойларига озуқа ортиб йўл олдилар, хашак майдалайдиган техника тинмай ишлаб турди. Қўйларни концентратлар билан озиқлантириш ташкил этилди, сурувларга қўшимча ишчи кучлари юборилди.

... Январь ойининг сўнгги ҳафтаси эди. 25 январь кечга яқин ҳавонинг авзойи бирдан бузилди. Ғарбдан Шарққа катта тезлик билан учаётган қопқора булутлар карвони бир пастда тоғ устини қоплаб олди, ҳали қуёш ботмаган бўлсада, ҳаммаёқ қоронғулашиб кетди. Сўнгра қор аралаш қаттиқ довул бошланиб, тез орада қор бўронга айланди. Теккан жойини музлатиб, кесиб кетаётган, дуч келган нарсани думалатиб бораётган бундай кучли бўронни энг кекса чўпонлар ҳам умрида биринчи бор кўраётган эди. Бир соат ўтар-ўтмас қор ҳамма йўл ва йўлкаларни босиб кетди, беш-ўн қадам нарёқдаги нарса кўринмай қолди, фермалар ва сурувлар ўртасидаги алоқа бутунлай узилди. Юзлаб кишилар жамоат чорвасини табиат қаҳр-ғазабидан қутқариб қолиш учун отланди. Ўркач-ўркач бўлиб уйилиб қолган қор гўдалари гўё ҳамма жойга оқ туя чўккандай бўлди.

Қор бўронидан катта зарар келди: 16 та қўра емирилиб кетди, тўртинчи бўлимдаги учта типовой қўра шамолнинг бекиёс кучига бардош беролмай вайрон бўлди. Қолган 40 та қўра эса қор остида кўмилиб қолди, қорнинг қалинлиги бир метрдан ҳам ошиб кетди. Қўрасидан адашиб қолган ёки очиқ-яйдоқ жойларда юрган қўй-эчкилардан бир қисми нобуд бўлди. Кўпгина матонатли чўпон-чўлиқлар қўйларни қутқариш учун бошланган «жанг»да ўзларининг қўл-оёқларини совуққа олдирдилар.

Бош чўпон Бўрибой Пўлатов довул бошланган пайтда ўз қўрасидан бир чақиримча наридаги суруви ортида юрган эди. Қаттиқ бўронда ҳеч қаер кўринмай қолди, қўйлар ҳуркиб, баландликка қараб қоча бошлади. Жониворлардан бир неча боши қор билан кўмилган жарликка қулаб кетди. Жасур чўпон кўкрагидан келадиган қорни не-не азоблар билан кечиб кетаётган сурувни орқага — қўрага қайтаришга муваффақ бўлди. Чўпон 600 бошдан зиёд совхоз чорвасини ҳалокатдан қутқариб қолди.

Бироқ сурувни қутқариш учун жон-жаҳди билан курашиб, бор кучини сарф қилган бош чўпон Бўрибой аканинг ўзи қўрага етиб келолмади, унинг силласи қуриган эди. Одам бўйи келадиган қорни кечиб ўтиш учун жон-жаҳди билан кураша-кураша қўрадан адашиб, бошқа томонга йўл тутди, совуқ ва бўронда аъзойи бадани увушиб, бутунлай ҳолдан тойди. Қўл-оёқлари бўшашди. Кўз олдидаги нарсаларни ҳам аранг пайқайдиган даражага борди. Бутун бадани совуқдан титраб, қалтирашга тушди.

Шу гопда юз қадамча нарида, Бўрибой аканинг кўзига гўё каттакон гулхан ёниб тургандай, бу олов борган сайин каттариб, бутун бир сойни қоплаб ётгандай кўринди. Чўпон бор кучини йиғиб, ўлим хавфидан қутулиш учун ҳассасига таянган ҳолда бир амаллаб ўрнидан турди, ҳалиги оловга етиш учун интилди. Зўрға икки-уч қадам босди-ю, мадори қуриб йиқилди. Яна туришга уринди. Бўлмади. Назарида, ҳалиги олов яқинлашгандай эди. Унга етиш учун қўл-оёғини ерга тираб, кўкраги билан силжиди. Лекин ета олмади. Мажоли қолмаган эди. Бундай қараса, гулхан жудаям яқинлашиб, атиги уч қадам нарида ёнаётгандай. Оловга интилиб қўлларини чўзди, ета олмади. Шу пайт мўъжиза рўй бергандай бўлди: аланга силжиб Бўрибой аканинг шундоққина биқинига келиб ёнаётгандай туюлди. Оловга интилиб исиниш учун анча ҳаракат қилди. Аланга худди кўзининг олдида бир қарич масофада ёна бошлади. Энг сўнггида «етдим» деб бўйнини чўзиб, юзини углани ҳам муздай совуқ қор бўлди...

У гўё куйдириб бораётган иссиқ оловга юз-кўзларини, қўл-оёқларини тоблаётгандек ҳаракат қиларди. Шу алпозда «олов, олов» деб юз-кўзларини, оёқ-қўлларини қорга «тоблади». Энг охирида чап юзини қорга қўйиб, кўзини юмди... Яна кўзини очиб, «олов» деб икки қўлини қорга тиқди. Бу ҳаракатини у бир неча бор такрорлади. Пировардида кўзини юмди... У уйқуда ҳам эмас, уйғоқ ҳам эмас, тушида ҳам эмас, ҳушида ҳам эмасди. У совуқлиқ касалининг энг юқори даражаси билан хасталаниб ётарди, хаёлида аранг етиб олган оловга обдан исиниб, ҳузур қилаётгандек эди. Аммо, ҳеч қониб исинолмасди, алангасининг ичига кириб ўтирсам деб уринарди. Бу совуқлик касали кейинчалик бутун атрофида олов ёнаётгандай бўлди...

Ана, оч бўри нариги горадан ўрмалаб чиқди-ю, чўпоннинг юз-тубан чўзилиб ётганини кўрди. Аста Бўрибой акага томон юрди. Оч газанда чўпондан юз қадамча нарида чўнқайиб ўтириб, атрофни ҳидлаб кўрди. Йиртқич уч-тўрт қадам босиб, бир оз тўхтар, атрофга аланглари. Бора-бора у, Бўрибой акага жуда яқинлашиб, таёғидан тишлаб тортди. Чўпон эса исиниб ўтирган оловини биров олиб кетаётгандай таёқни ўзига томон тортди. Бўри бундан ҳадиксираб бир оз орқага чекинди. Лекин очлик уни кўп кутишга қўймади. У аста орқа томон бориб, чўпоннинг этигидан тишлаб тортди. Бўрибой ака иккинчи оёғини қимирлатиши билан йиртқич яна чекинди.

Йиртқич ёрдамга шерикларини чақиргандай баландликка чиқиб икки-уч улиди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас Сиртлон[1] билан Олабой тепаликдан ошиб, ўқдай учиб кела бошлади. Бўри итларни кўриб, сўлагини оқизганича жуфтакни ростлади. Шу пайт итлар ортидан келаётган чўлиқ ҳам тепаликдан ошиб ўтди. У итлар қорайиб ётган бир нарса атрофида чийиллаб айланаётганлигини кўриб, шу томонга илдам юрди. Чопиб келиб Бўрибой аканинг юрагига қулоқ солиб, «хайрият» деб қўйди. Хастани кўтариб, қўрага олиб кетди. Аслида, чўпоннинг адашиб юрган жойи ҳам қўрадан унча узоқ эмас, атиги икки сой нарида эди. Чўлиқ Парда Давлатов бош чўпон Бўрибой Пўлатовни иссиқ хонага келтириб ётқизди. Пахта билан оғзига иссиқ чой томизиб турди. Бўрибой ака бир оздан сўнг ўзига келиб, кўзини очди. Чўлиқ дарҳол совхоз маъмуриятига хабар берди. Бўрибой акани тезлик билан касалхонага жойлаштирдилар. Жасур чўпоннинг қўл-оёғи, юзи ва кўкрагини совуқ олган экан. Бўрибой ака Пўлатов ҳозир тузалиб, кучга кирди.

Совхознинг жамоат чорвасини қишдан эсон-омон олиб чиқишда жасорат кўрсатган чўпон-чўлиқлар бу ерда кўп. Уларнинг шижоатини айтиб битириб бўлмайди.

Мана, баҳор келди. Яна чўл яшил либосга бурканмоқда. Қўйлар қўзиламоқда. Қишдан омон чиққан, лекин ҳийла озиб-тўзган совлиқлар ҳеч нарса кўрмагандек, боласини меҳр билан ялайди. Чўпонлар эса, бу йилги қаҳратон қишни сира унутмайдилар. Чунки, бу қиш уларнинг келгуси ишлари учун катта сабоқдир.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШАБНАМ ҚАТРАЛАРИ

ОЙНАИ ЖАҲОН

Ойнаи-жаҳон, дейдилар бир совуқ ойнани.

— Ойнаи жаҳонми?

— Йўқ, оддий расм! Гар бўлмаса унда бўса ҳарорати, қувонч, изтироб, она ташвишию гўдак шўхлиги, қушлар чақ-чақию қир лолаларининг ранги, шивири...

Инсон—ойнаи жаҳон! Унинг бир нигоҳи, данакдай кўзи, олам жо бўлган бепоён қалби.

ҚАЛАМПИР

Ёзда бувим сандиқдаги жун рўмол, қора кўл телпак, чакмонларни офтобга ёйиб, сўнг орасига қалампир сепиб, яна сандиққа солиб қўярдилар.

— Биби, нега қалампир сепдиз?

— Куя-пуяси бўлса қочиб кетади.

Кечқурун ётаётганимда икки бош қалампирни ёстиғимнинг остига қўйдим. Бибим ҳайрон бўлдилар:

— Ҳа, бу нима қилиқ?

— Кеча тушимда жин-пинларни кўрувдим. Орқамдан югураверив, ухлагани қўймовди. Ушалар бугун яна келмасин.

Бибим ғамгин кулдилар:

— Қанийди дунёдаги ҳамма ёмон нарсаларни қалампир билан йўқотиб бўлса. Шундай аччиқ нарсалар борки, шундай аламлар борки бу оламда, уларнинг олдида қалампир ҳолва бўлиб қолади... Қалампир билан битса, энг биринчи уруш деган нарсани қувардим ер юзидан. Дадангнинг доғида куйиб, мана бундай қақшаб ўтирмасдим.

«Қалампир ҳолва бўлади... «Ажаб, қандай ҳолва бўларкан?

КЎЗИМ ЮМИЛГАНДА

Бибим чарх йигириб ўтириб:

— Менинг кунларим битяпти. Кўзларим юмилганда бобонгнинг олдига элтиб қўйсизлар, — дедилар.

— Нега бобомнинг ёнларига бўларкан, менинг ёнимда ётасиз-ку дедим этакларига ёпишиб.

— Кўзим очиқлигида сенинг ёнингда бўламан. Юмилганда бобонгнинг ёнига бораман.

— Йўқ, йўқ, — дейман. — Ундай бўлса кўзингизни сира юмманг. Юмманг!

Бибим бошимни силаб, маъюс кулдилар.

...Орадан неча-неча йиллар ўтиб кетгач бу ғамнок кулгининг маъносига тушундим: дунёда ҳали инсон кўзларининг юмилишига йўл қўймайдиган дори йўқлигига ачинувдим. Лекин чароқлаган кўзларни бевақт юмадиган уруш, яшнаган оламни кул қиладиган оловдан ташвишланаман, оламни алғов-далғов қилаётган даҳшатли уруш оловини ёқувчиларни лаънатлайман.

ҚЎЛЛАР

Автобусда йўловчилар тиқилинч. Ғаладон олдидаги ўриндиқда ўтирган икки хотиннинг қўллари эътиборимни тортди. Юзлари кўринмайди, одамлар тўсиб туришибди. Дераза томонда ўтирган хотиннинг тиззалари орасида катта халта. Бир қўлида чарм тўрва. Бағрида ёш боласи ҳам бор. одамлар «узатиб юборинг», «олиб беринг» деб чекка чақа узатишади.

— Нечта? — сўрайди хотин. Товуши бироз дағалроқ, кучли. Офтобда панжалари қорайиб, ёрилган, кафтлари тилинган, тирноқлари қалин қўлини кўтариб, пулни олади. Кассага ташлайди, чек йиртади. Бу қўлга қараб мен саҳронинг иссиқ, совуғига бардош бериб, лагча чўғ бўлиб турган қум барханлари орасидан намни тортиб оладиган саксовулни, унинг буралиб-буралиб кетган чайир томирларини эсладим. «Дунё айвонига устун бўлиб, замину-замонни кафтида тутиб турган ана шу қўллар».

Унинг ёнида ўтирган хотиннинг бўғирсоқдай кафти, ингичка бармоқлари мармардай ялтираган қўллари эса оқ шойи кўйлагининг тор этаги зўрга ёпиб турган тиззалари устида мудраб ётибди. Йўловчилардан бирови «ма», «ол» деганда унинг нозик бармоқлари чувалчангдай секин қимирлайди. Сўнг ўзига тегишли нарса эмаслигини сезгач, силлиқ семиз тиззалар устига яна оҳиста бош қўяди, мудрайди.

Самар НУРОВ.

ДОСААФ жамиятининг Тошкентдаги Авиаспорт клубида парашют спорти бўйича СССР терма командасининг машқ машғулотлари бошланиб кетди. Машғулот СССР спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Павел Андреевич Сторчиенко раҳбарлигида олиб борилмоқда. СССР терма командаси бу йил ёзда Югославияда ўтказиладиган Адриатика совринини олиш учун бўладиган мусобақага ҳам шу ерда тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда яна Монголия Халқ Республикаси парашютчилари ҳам машғулот ўтказаётирлар.

Р. Шамсиддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

САБЗАВОТКОРЛАР ДАЛАСИДА

Дала-дашт кўркамлашмоқда. Дов-дарахтлар яшил либосга бурканмоқда. Деҳқон ёппасига далага отланди. Улар ўз меҳнатлари билан дала ҳуснига-ҳусн қўшишяпти.

Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сабзавоткорлари ҳам катта мақсад билан ишлашмоқда. Бу хўжалик миришкорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 9820 тонна маҳсулот етказиб беришга аҳд қилишган. Мўл ҳосил учун кураш бултур кузданоқ бошланган. Экинлардан бўшаган ерлар пешма-пеш сифатли шудгор қилинди. 22 гектар ерга август ойидаёқ пиёз, 12 гектар майдонга кеч кузда қизил сабзи экилди. Одатда деҳқонлар сабзини фақат кўкламда экишар, сабзи қор кўрса эркаклаб кетади, дейишар эди. Ленин номли колхозда қизил сабзини кузда экиш тажрибаси эса яхши самара берди.

Эртаги экинлар экиш колхозда қиш чиқиши билан дарҳол бошлаб юборилди. Пландаги 40 гектар ўрнига 42 гектар карам, 90 гектар ўрнига 93 гектар пиёз, 25 гектар ўрнига 37 гектар редиска, шунингдек 60 гектар майдонга картошка ва 15 гектар майдонга лавлаги экилди, 5 гектар ерга плёнка остига помидор экилган. Яна 5 гектар ерга шу усулда экилади.

Баҳор кечикканлиги сабабли аҳолининг эртаги сабзавотга бўлган талабини тўла қондириш мақсадида колхозчилар гарчи, эртаги экиш планини бажарган бўлсалар ҳам яна 20 гектарга карам, 30 гектарга картошка экишни мўлжалламоқдалар. Дала ишлари тиғиз келганлиги учун ҳозирги кунларда идора ходимлари ҳам маълум вақт ажратиб, экиш-тикишда колхозчиларга ёрдамлашмоқдалар.

Экиш билан бирга экинларнинг дастлабки парвариши ҳам бошлаб юборилди. Кузда экилган пиёзни биринчи парваришдан чиқариб қўйишди. Кечки ва ўртаги экинларга жой тайёрлаш ҳам қизғин олиб борилмоқда. Бу иш айниқса эртаги экинларни экиб бўлган Кумуш Андасбоев, Носир полвон Тошқўзиевлар бошлиқ бригадаларда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ленин номли колхоз даласига чиққан киши ҳамма жойда қайноқ меҳнат жараёнини кўради. Колхозчилар ҳар йилгидек бу йил ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштириб, эл бойлигини оширишга, дастурхоннинг тўкин бўлишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшадилар.

Ю. ЗИЁДОВ.

Совет Ўзбекистони справка бюроси

ҒАМХЎРЛИК

Партия ва ҳукуматимиз халқнинг фаровон турмуши масаласида тинмай қайғуриб келмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда инвалидларга бериладиган қатор имтиёзлар ҳам диққатга сазовордир. Улардан бири, масалан, инвалидларни моторли аравачалар ва махсус автомашиналар билан таъминлаш масаласини олиб кўрайлик. Бунда ҳам давлатимизнинг кишиларимизга кўрсатаётган катта ғамхўрлиги намоён бўлади.

Лекин ана шу имтиёз шартларини баъзи кишилар аниқ билишмайди. Натижада улар газета редакцияларига ва тегишли ташкилотларга хат ёзишиб, давлат томонидан бериладиган мавжуд имтиёзларни тўлароқ тушунтириб беришни илтимос қилишади.

Биз қуйида ана шу хатларга газета орқали жавоб бермоқчимиз.

— Улуғ Ватан урушининг оғир шикастланган инвалидлари ва бошқа ҳарбий инвалидларга, шу жумладан Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлиги қисмларида хизмат қилган ва кейин инвалид бўлиб қолганларга қўлда бошқариладиган **«Запорожец» автомашинаси текинга** берилади.

— Гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши инвалидларига, шунингдек Совет Армиясида хизмат қилиш пайтида инвалид бўлган, шу жумладан Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлиги қисмларида ҳарбий хизмат пайтида инвалид бўлган кишиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши даврида фронтга яқин участкалардаги темир йўл транспортларида хизмат қилаётиб оёғидан оғир жароҳатланган, протез ва аппаратларда бемалол юролмайдиган 1—2-группадаги инвалидларга **моторли аравачалар текинга** берилади.

— Меҳнат инвалидларига эса транспортлар **40 процент** баҳода сотилади.

— Болаликдан мажруҳ бўлган кишиларга моторли аравачалар **тўлиқ баҳоси** билан сотилади. «Запорожец» автомобилини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган инвалидлар эса Социал таъминот министрлиги органлари рухсати билан савдо ташкилотларидан махсус «Запорожец» ва «Москвич» автомашиналарини **тўла баҳосига** оладилар.

Юқорида айтиб ўтилган транспорт воситаларининг ҳаммаси махсуслаштирилганлиги сабабли улар фақат оғир жароҳатли инвалидларгагина берилади. Шунинг учун ҳам ўзларини ана шу моторли аравача ва машиналарни олиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблаган кишилар социал таъминот органлари тавсияси билан махсус комиссиялардан ўтишлари керак.

Я. ВЕТЧИНКИН,
Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг бўлим бошлиғи.

МУРАББИЙЛАР КЕНГАШИ

Марғилон шаҳрида республикамиздаги ўрта махсус ўқув юртлари директорларининг илмий ишлар бўйича ўринбосарлари ва шаҳарлардаги методик бирлашмалар раҳбарларининг икки кунлик кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ўқув жараёнларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳамда дарсларда вақтдан рационал фойдаланиш усулларига бағишланган ўндан ортиқ докладларни тинглашди ва муҳокама қилдилар. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Марғилон педагоглари бу соҳадаги ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгаш иштирокчилари Марғилон план-иқтисод техникумида бўлишиб, бу ерда ўқув-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши билан танишдилар.

У. ЭШОНБОЕВ.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

УЛКАН КОРХОНА

Фарғона кварталларидан бирини катта саноат бинолари ансамбли безади. Бу ерда Ўрта Осиёда энг кучли янги пойафзал фабрикаларидан бирининг корпуслари қад кўтарди. Фарғона пойафзал фабрикаси ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан фақат Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасидангина кейинда туради. Узунлиги 130 метрдан ошиқ келадиган бош корпуснинг 4 қаватида йилига 5 миллион жуфт пойафзал тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган 16 поток линияси монтаж қилинмоқда.

Эски пойафзал фабрикасидан янги цехларга ўтадиган 400 ишчи, инженер, хизматчи янги коллективнинг негизи бўлади. Оммавий ҳунар мактаби ташкил қилинмоқда. Бу мактабда 2 мингга яқин ишчи тайёрлаб чиқариш мўлжалланади. Неча юзлаб ишчи ва инженерлар Ленинграддаги «Скороход», Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги фабрикаларда иш ўрганишга тавсифнома олдилар.

600-МАРТА

Ҳамза номли Ўзбек Академик драма театри шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» пьесасини 600-марта кўрсатди. Бу пьеса В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган репертуар планига киритилган.

Ҳамза номли театр саҳнасида қўйилган бу спектаклнинг саноғи расмий бўлса-да, бундан қарийб ярим аср муқаддам гражданлар уруши йилларида Ҳамза раҳбарлигидаги театр труппаси Қизил Армия отрядларида ҳам, босмачилардан озод қилинган қишлоқларда ҳам, шаҳар майдонларида ҳам мазкур пьесадан саҳналар кўрсатган эди. Ҳамза вафотидан сўнг драматург Комил Яшин асарнинг янги саҳнавий таҳририни яратди. Ажойиб ўзбек артистлари Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов пьесадаги ролларнинг ижрочилари бўлганди.

Ҳамза номли театрда қўйилган «Бой ила хизматчи» 600-спектакли ёнига Ўзбекистондаги профессионал ва халқ театрлари қўйган бошқа мингга яқин спектаклларни ҳам қўшмоқ лозим. Бу пьесани ўз репертуарига киритишни ҳар бир драма театр коллективи шон-шараф иши деб билади.

УРГАНЧ—УЛЬЯНОВСК

Хоразм область комсомол комитети В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига бағишланган спорт мусобақаси — автомотопойга ўтказишга қарор қилди.

Пойгачилар—хоразмлик комсомол ва ёшларнинг энг яхши вакиллари улуғ доҳий юртига Аму воҳаси меҳнаткашларининг ғалаба рапортини, Хоразм халқ республикаси томонидан В. И. Ленинга тақдим этилган Меҳнат ордени дубликатини ва 1924 йилда Хива шаҳрида Ильичга ўрнатилган ҳайкал макетини олиб борадилар.

Ёшлар колоннаси беш республика ва тўққиз область территорияси орқали ўтиб, қарийб етти минг километр йўл босади. Улар Тошҳовуз, Нукус ва Устюртда бўлиб, сўнгра Бейнав ва Макат станцияларидан Гурьевга буриладилар, Астраханга ўтадилар, Волга соҳили бўйлаб Волгоград, Саратов, Сизрань ва Ульяновскка етиб борадилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Яхши анъаналаримиз

ЯНГИЧА МАРОСИМЛАР

Янги маросимлар турмушимизга дадиллик билан кириб бормоқда. Республикамизда пахта байрами, Ўроқ ва Болға байрами, ашула байрами, баҳор байрами, қовун сайили ва бошқа кўпгина меҳнат байрамларини тантанали ўтказиш одат тусига кирди. Кишилар ҳаётидаги муҳим воқеалар: туғилиш, балоғатга етиш, мактабни ва олий ўқув юртини битириш, Совет Армияси сафига чақирилиш, никоҳдан ўтиш, пенсияга чиқиш ва бошқа кўпгина оилавий тантаналар ҳам турмушимизга сингиб бормоқда.

Ҳар бир кишининг ҳаётида унутилмас воқеалар, қувончли дамлар кўп бўлади. Аммо бу воқеаларнинг энг қувончлиси никоҳ тўйидир. Тўй халқларнинг энг қадимий анъаналаридан бўлиб, инсон ҳаётида янги давр бошланганлигини кўрсатади.

Никоҳ билан боғлиқ бўлган урф-одатлар асрлар мобайнида ҳар бир халқда ҳар хил шаклда бўлган. Аммо ҳар ерда ҳам жаҳолат ҳомийлари бу урф-одатларга диний тус беришга ҳаракат қилишган. Дин вакиллари халқ урф-одатлари ва тантаналарининг жозибадорлиги ва таъсирчанлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишган, бу маросимларнинг пайдо бўлиш тарихини диний ривоят ва уйдирмалар билан боғлашган. Турмушдаги диний сарқитларнинг узоқ яшовчанлик сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Лекин жамиятимиз, совет халқининг маънавий ва маданий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар туфайли халқнинг яхши урф-одатлари диний урф-одат ва расм-русмлар, бидъат ва хурофотлардан аста-секин фарқлаб олинмоқда. Уларнинг ўрнини гўзал ва мазмунан бой, замонамиз руҳини акс эттирувчи урф-одатлар, байрам ва тантаналар эгалламоқда.

Масалан, Марҳамат районидаги «Коммунизм» колхозида никоҳ тўйлари байрамдагидек ясатилган залда ўтади, келин-куёвнинг ота, оналари ва ёру биродарлари йиғилишади. Ана шундай тўйлардан бирида район ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Ҳусанов келин-куёвни табриклади. Уларга никоҳ гувоҳномасини топширди.

Район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ашурова, комсомол ветерани Т. Шодиева ва бошқалар келин-куёвни табриклашди. Шу ернинг ўзида колхоз раиси ўртоқ Эминов келин-куёвга тантанали вазиятда янги уй калитини топширди. Бундай янги, замонавий тўйлар республикамизнинг ҳамма бурчакларида ўтказиляпти. Эндиликда ёшларимиз ясатилган столлар атрофида, замонавий куй-қўшиқлар янграб турган бир пайтда янги ҳаётга қадам ташлайдилар.

Боланинг туғилиши азалдан оилада зўр хурсандчилик ва тантаналар билан нишонланади. Ҳозирги вақтда янги туғилган болага ном қўйиш, туғилганлик гувоҳномаси ва балоғатга етганларга паспорт топшириш каби янгича одатлар ижтимоий ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Бундай янгича маросимлар қишлоқ турмушининг таркибий қисмига айланмоқда.

Бухоро область, Шофиркон посёлкасидаги колхозчи Аюб Ёқубов оиласида зўр қувонч юз берди. Ўғил туғилди. Чақалоққа ном қўйиладиган кун қариндош-уруғлар, дўст-ўртоқларга хабар қилинди.

ЗАГС ходими баланд овоз билан:—Гражданлик ёзувлари дафтарига Ёқубовларнинг Анваржон исмли ўғли туғилганлиги қайд қилинди,—деб эълон қилди. Ота, она қизил дафтарча—Анваржоннинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномани оладилар. Қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Расулов, ўн олти невараниинг бобоси Обид ота Икромов Ёқубовларга яхши истаклар билдирадилар.

Шундан сўнг ота, она Бахт уйи олдидаги хиёбонга дарахт кўчати ўтқаздилар. Уларнинг ўғлига эса ўқишни ўрганганида очиб ўқиши учун биринчи хатни топширдилар. Бола хатни очганда қуйидаги сўзларни ўқийди: «Сен туғилган кунинг мана шу дарахт ўтқазилди (қаерда ва қайси дарахт экканлиги кўрсатилган). Уни парвариш қил, ўзинг ҳам у билан бирга ўс. Жамиятнинг софдил, меҳнатсевар, актив аъзоси бўлиб ўс».

Янги урф-одатларни ҳаётимизга сингдиришда биз халқимизда азалдан мавжуд бўлган гўзал ва оқилона анъаналарга таянишимиз лозим. Бу ерда биз яна бир традиция ҳақида фикр юритмоқчимиз. Яқин кишининг ўлими ҳар кимга ҳам оғир мусибат ва қайғу келтиради. Дафн маросимида марҳум хотирасига дўстлари ва ўртоқлари изҳор қилган илиқ таъзия сўзлари, кўмишни ташкил этишда яқиндан қатнашиш, етим қолган оилага маънавий, керак бўлса иқтисодий ёрдам бериб туриш фойдали иш бўлади ва оила ғам-гуссасини анча енгиллаштиради. Граждан дафн маросимини турмушга жорий этиш жамоатчиликнинг актив иштирокида бўлиши керак. Қабрларни тартибга келтириш, фарзандларнинг ҳаётда, турмушда ўзини яхши тутиши, ҳалол меҳнат қилиб обрў топиши — ота-она хотираси учун энг яхши ёдгорликдир. Янги традиция ва одатлар кун сайин кўпайиб, ҳаётимиз янада гўзал ва фаровон бўлмоқда. Турмушимизга кенг қулоч ёйиб кираётган урф-одатлар совет кишилари маънавий қиёфасининг бутун гўзаллиги ва латофатини тўла намоён этмоқда, уларнинг этик ва эстетик дидига мос бўлиб тушмоқда.

Қ. ОРИПОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспиранти.

ПОЙТАХТИМИЗДА

ЛЕНИН ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

«Орденли Ўзбекистоннинг меҳнаткаш аёлларидан оташин салом!» Шундай илиқ сўзлар заргал ҳарфлар билан ёзилган қизил алвон енгил ҳилпираб турган «Дўстлик поезди» ўн кунлик сафардан қайтди. Унда ўзбекистонлик аёллар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, моҳир сабзаворчи Меҳринисо Убайдуллаева, орденли ўқитувчи Назира Жалилова, сут соғувчи Мастура Иноғомова ва бошқалардан иборат 120 га яқин қишлоқ хўжалик илғорлари Ленин қадамжолари бўйлаб саёҳат қилишди.

Доҳийнинг 100 йиллик юбилейи олдидан Тошкент-Ульяновск-Қозон-Москва-Тошкент маршрутида қилинган зиёрат ўзбек аёлларида катта таассурот қолдирди.

Ю. АҲРОРОВ.

КЎРКАМ ШИФОХОНА

Энгельс кўчасидаги зилзиладан зарарланган 8-бирлашган поликлиника ўрнида уч қаватли янги бино қад кўтарди. Россиялик азамат бинокорлар тиклаган бу кўркам бинога Киров район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 31-поликлиника жойлаштирилди.

С. СУЛТОНОВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ИЛҲОМБАХШ МАВЗУ

УЛАН—БАТОР [ТАСС]. Монголия композиторлари союзининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига ва Монголия Халқ революциясининг 50 йиллигига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

Монгол композиторлар ташкилотининг раҳбари С. Гончигсумла пленумда сўзга чиқиб, В. И. Ленин ғояларининг улуғворлиги ҳамда монгол ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги Монголия санъат ходимлари ижодиётининг ҳамиша илҳомбахш мавзуи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, деди.

● АДОЛАТЛИ КУРАШ ЙЎЛИДА

АДАН. [ТАСС]. Жанубий Яман Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Файсал Ашшаъбий Англия консерваторлари раҳбари Эдвард Хитнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафарини шарҳлаб, Англия Форс қўлтиғи районида империалистик сиёсат ўтказар экан, бу ерда биринчи навбатда ўз нефть монополияларининг манфаатларини сақлаб қолишга интилади, деди.

Жанубий Яман Халқ Республикаси ташқи ишлар министри ўз мамлакати ўзининг диёрида империализм ишларига қарши кураш олиб бораётган Форс қўлтиғи районидаги аҳолини қўллаб - қувватлайверади, деб таъкидлади.

● ЛИВАН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

БАЙРУТ. [ТАСС]. Ливан ишчилар синфи йирик буржуазиянинг меҳнаткашлар ҳаётий манфаатларига ҳужум қилиш ҳисобига ҳозирги молиявий-иқтисодий қийинчиликлардан қутулиш йўлини излаётганлигига қарши қаттиқ кураш олиб боришини тўхтатмаётир.

Ливан ишчи ва хизматчилари касаба союзлари миллий федерациясининг ижроия комитети ишчи активи қатнашувида кенгайтирилган мажлис ўтказди. Бу мажлисда ишчилар ҳаракатининг бутун проблемалари муҳокама қилинди. Ҳукумат номига қабул қилинган резолюцияда катта-катта компаниялар, биринчи навбатда чет эл компаниялари қанча солиқ тўлаётганликларини яна-да қаттиқроқ назорат қилиш ва солиқ солишнинг прогрессив системаси жорий этилишини талаб қилинади.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Энг жанубий вилоят Куангбинь Америка босқинчилари томонидан ваҳшийларча бомбардимон қилинмоқда. Бу ерда ҳатто сира ҳарбий аҳамияти бўлмаган кичик кўприклар ҳам вайрон қилинди. Суратда: Донгхой шаҳрига элтувчи йўлдаги кўприкни ремонт қилиш пайти.

В. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ВАШИНГТОН. АҚШда Вьетнамдаги урушга қарши норозилик ҳаракатлари кучайиб бормоқда. Яқинда Вашингтондаги Оқ уй олдида норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда «Хотин-қизлар, тинчлик учун курашингиз!» ташкилоти аъзолари бўлган 500 дан зиёд аёл қатнашди. Улар урушга қарши шиорлар кўтариб ўтдилар. Суратда: намойишчилар оқимини кўриб турибсиз.

(ТАСС фотохроникаси).

ИСРОИЛ АГРЕССОРЛАРИНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТЛАРИ

Исроил маъмурлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига хилоф суратда Яқин Шарқда ўзларининг жиноий сиёсатларини давом эттирмоқдалар ва бу районда ғоят кескинлашиб кетган вазиятни тағин ҳам мушкуллаштирмоқдалар. Улар 8 апрелда яна босқинчиларча агрессия қилдилар Исроил самолётлари Иорданиянинг Ақаба портини бомбардимон қилди ва ўққа тутди. Бу портда тинч аҳолидан кўп киши, шу жумладан, болалар ўлдирилди ва ярадор қилинди Шундан кейин Сувайш каналининг босиб олинган шарқий соҳилида жойлашган Исроил тўплари ва танклари Сувайш, Порт-Товфиқ, Исмоилия ва Бирлашган Араб Республикасининг бошқа районларини ўққа тутди. Бирлашган Араб Республикасининг қуролли кучлари агрессорларга зарба беришга мажбур бўлдилар. БАР қуролли кучлари душманнинг позицияларига тўп ва ракеталардан ўқ ёғдириб, унга анча катта талафот етказдилар.

Исроил иғвогарлик мақсадида араб мамлакатлари билан қуролли тўқнашувларни қасддан уюштираётганлиги тамомила аёндир. Тель-Авив раҳбарлари Яқин Шарқдаги вазиятни доим кескинлаштириш билан 1967 йил июнь ойида босиб олинган араб территорияларини ўз қўлимизда сақлаб қола оламиз деб умид қилмоқдалар. Айни вақтда Исроил ҳукумати можарони тинч воситалар билан бартараф қилиш йўлидаги ҳар қандай тадбирларга қаршилик кўрсатмоқда. Исроил ҳукумати ҳозирги вақтда тўрт буюк давлат — СССР, АҚШ, Франция ва Англиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ўтказаётган маслаҳат мажлисларига ҳам кескин суратда қарши чиқди. Ана шу маслаҳат мажлисларида Яқин Шарқдаги танглики Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясига мувофиқ сиёсий жиҳатдан бартараф қилишга қайтарилишга ёрдам бериш масаласи қараб чиқилмоқда. Маълумки бу резолюция Исроил қўшинларининг улар босиб олган ҳамма районлардан сўзсиз олиб чиқиб кетилишини кўзда тутади. Аммо бундай қарор агрессорларнинг дидига сира ёқмаётир.

Тель-Авив раҳбарлари позициясининг беъманилик ва жиноятдан иборат эканлиги ҳаммага маълум. Араб Социалистик Иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси Муҳиддин таъкидлаб ўтганидек, «Исроил ҳукуматининг Яқин Шарқдаги танглики бартараф қилмоқ учун кўп давлат вакилларининг учрашуви тўғрисидаги масалада тутган ва ўжарликдан иборат позицияси Исроилнинг халқаро жамоатчилик фикрини назар писанд қилмаётганлигини исбот этади».

Исроил раҳбарлари нимага умид боғламоқдалар, ўзларининг қонунга хилоф ишларидан бунчалик дадил ҳаракат қилаётганликларига сабаб нима? Гап шундаки, ғарбдаги баъзи мамлакатларда, аввало, АҚШда таъсири кучли бўлган ва Яқин Шарқдаги кескинликнинг сақланишидан манфаатдор бўлиб Исроилнинг агрессив сиёсатини қўллаб-қувватлаётган империалистик доиралар бор. Баъзи фактларни кўрсатиб ўтамиз. Исроил яқинда АҚШдан «Фантом» типидаги 25 та энг янги реактив бомбардимончи-қирувчи самолёт олди. АҚШда махсус ҳарбий таълим олган 200 учувчи ва техник тез орада Исроилга қайтиб боради. Исроил солдат ва офицерларидан 500 киши Американинг Ғарбий Европадаги ҳарбий базаларида таълим олмоқда.

Араб мамлакатлари, бутун дунё халқлари Исроил агрессорлари ва уларнинг ҳомийларидан ўт билан хатарли ўйнашишни тўхтатиш ва Яқин Шарқ можаросини чинакам тинч ҳал этиш йўлига ўтишни қаттиқ талаб қилмоқда.

Н. ЧИГИРЬ. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ДЕҲЛИ. Совет маданий марказида «Ленин ва миллий озодлик ҳаракати» деган лекция билан дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Залда ҳозир бўлган Ҳиндистон пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, муаллимлар, студентлар Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти ижроия комитетининг аъзоси, тарих фанлари кандидати Э. Н. Комаров ўқиган лекцияни зўр эътибор билан тингладилар.

✦ ПХЕНЬЯН. Вақтинча сулҳ тузиш ҳарбий комиссиясидаги Корея томонининг бош делегати генерал майор Ли Чун Сен кузатувчиларга мактуб юбориб, Америка империалистлари Жанубий Кореяга қурол-яроғларнинг энг янги турларини тўхтовсиз ташиб келтираётганликлари учун уларни қоралади.

Ли Чун Сен айтдики, Америка томони вақтинча сулҳ тузиш тўғрисидаги битимни қўпол равишда бузмоқда. Кореяда ва Узоқ Шарқда тинчликни таъминламоқ учун бу ерга қонунга хилоф равишда келтирилган қурол-яроғларни яқин вақт ичида олиб чиқиб кетиши керак.

✦ Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучлари жангчилари шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида Сайгоннинг ғарб томонида бўлган жангларда душманнинг 5500 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Бундан ташқари Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 120 автомашинани яксон қилдилар ва 15 кўприкни портлатдилар.

ҲИНДИСТОНДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ДЕҲЛИ, 14 апрель. (ТАСС). Ғарбий Ҳиндистоннинг бир неча районида ўртача куч билан ер қимирлади. Бомбай обсерваториясининг берган маълумотларида ер қимирлаш маркази Бомбайдан 800 километр нарида жойлашган Ер ости тебранишлари Нагпур, Пуна, Аврангобод, Панжим, Хайдаробод ва бошқа шаҳарларда сезилган. Одамларнинг ҳалок бўлганлиги тўғрисида маълумотлар олингани йўқ.

● ●

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ЛОНДОН, 14 апрель. (ТАСС). Халқ озодлик қуролли кучлари қисмлари 13 апрель кечаси Жанубий Вьетнамнинг турли районларида Америка ва Сайгон армиясининг 35 та ҳарбий объектини ўққа тутдилар.

Рейтер агентлигининг Сайгондаги мухбири берган хабарга қараганда, Сайгондан 90 километр ғарби-шимолдаги Тайнинь районида ва Сайгондан 64 километр ғарби-шимолдаги Даутиенгда жойлашган АҚШ ҳарбий базалари, шунингдек АҚШнинг Фанчангдаги ҳарбий ҳаво базаси тўплардан айниқса қаттиқ ўққа тутилган. Америка армиясининг шу базаларда жойлаштирилган бўлинмаларининг солдатларига ва техникасига шикаст етказилган.

ҚЎПОРУВЧИ УШЛАНДИ

ГАВАНА, 14 апрель. (ТАСС). «Хувентуд ребельда» газетасининг хабар беришича, 4 апрелда Камагуэй вилоятида контрреволюцион иш билан шуғулланиб келган Блан Мартинес деган киши қамоққа олинди. Сўроқ вақтида у шакар қамишни йиғиштириб олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга асосан қишлоқ хўжалик техникасини ва асбоб-ускуналарини ишдан чиқариш йўли билан халақит бериш мақсадида Кубага юборилганлигини бўйнига олди. Қўпорувчи қамоққа олинаётган вақтида унинг ёнидан ҳар хил яроғ ва ўқ-дори топилди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҚУШЛАР... «ЭНЕРГЕТИК»

ҚУШЛАР учиб юрган пайтида қанча куч-қувват сарфлашади?

Ленинград орнитологлари жуда қизиқ тажриба ўтказиб, фанни кўпдан буён қизиқтириб келаётган бу саволга жавоб топдилар. Қишлоқ ва шаҳарда учиб юрадиган қалдирғочлар, қора узунқанотлар текширилди. Шаҳарда бир соат тўхтовсиз учган қалдирғоч ўртача 0,2 грамм, қишлоқ қалдирғочи бундан бир оз кўпроқ озиқлаши маълум бўлди.

Орнитологлар бу маълумотларни таҳлил қилиб, қушларнинг «энергетика баланси»ни туздилар. Қушлар ҳаракат қилиш, озуқа топиш, организмни идора қилиш учун қанча куч сарф қилса, учишга ҳам шунча куч-қувват сарфлашар экан.

ТАДБИРКОР ҚИЗИЛИШТОН

ТИНЧ океаннинг Галапагосс оролларида ажойиб қизилиштонлар бор. Бу қуш овга чиқиш олдидан кактус дарахтининг тиканини тумшуғига қистириб, «қуролланиб» олади. Агар қурт-қумурсқалар дарахт наваги ва пўстлоғининг ичига кириб бекиниб олган бўлса, қизилиштон «қуроли» билан уларни кавлаб олади.

ТИМСОҲЛАРНИ... ҚУТҚАРИНГ!

БИР вақтлар одамлар тимсоҳ номини эшитганда даҳшатга тушишар эди. Ҳозир эса тескариси... Кишилар уларни раҳмсизлик билан тутиб, терисини шилишади, бу терилардан қимматбаҳо сумка, портфел, қайиш ва ҳамёнлар тайёрлашади.

Эфиопияда тимсоҳлар шу даражада камайиб кетдики, уларни кўпайтириш учун махсус ферма ташкил этишди. Фермада тимсоҳчалар инкубаторида очтирилмоқда. Бу тимсоҳчаларнинг бир қисми дарё ва кўлларга қўйиб юборилади, ҳайвонот боғларига берилади, бир қисмидан эса консервалар тайёрланади. Тимсоҳ консерваси африкаликлар-нинг тансиқ таомларидан ҳисобланади.

ЎРИНЛАР АЛМАШМОҚДА

Ўтган шанба катта футбол куни бўлди. Тўққиз шаҳарда мамлакат биринчилиги учун ўзаро учрашувлар ўтказилди. Қизғин давом этган курашда чемпион — киевлик динамочилар «Заря» командасини 1:0, «Торпедо» (Кт) — «Зенит» 1:0, бокуликлар пойтахт динамочиларини, Тбилиси динамочилари минскликларни ва пахтакорчилар «Торпедо» Москва командаларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. «Қайрат» — «Спартак» ва «Шахтёр» — «Локомотив» командалари ўйини 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. ЦСКА командаси футболчилари Ростов-Дон армиячилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Черноморец» — «Крылья Советов» ўртасидаги учрашув 2:2 ҳисобида дуранг бўлди.

Навбатдаги тур ўйинлари 16 апрелда ўтказилади.

Ўйинлар жадвалининг 13 апрелдаги кўриниши

БИРИНЧИ КИЧИК ГРУППА

	У.	Т.	О.
«ДИНАМО» К.	3	5—1	5
«НЕФТЧИ»	3	4—1	5
ЦСКА	2	2—0	4
СКА Р.	2	3—2	2
«Заря»	3	2—2	2
«Уралмаш»	2	2—3	2
«Арарат»	2	4—6	2
«Кр. Советов»	2	2—4	1
«Черноморец»	3	2—5	1
«Динамо» М.	2	3—5	0

ИККИНЧИ КИЧИК ГРУППА

	У.	Т.	О.
«ДИНАМО» Тб.	3	5—2	5
«СПАРТАК» М.	2	3—2	3
«ТОРПЕДО» Кт.	2	2—1	3
«Динамо» Мн.	3	2—2	3
«Қайрат»	2	1—1	2
«Шахтер»	2	2—2	2
«Пахтакор»	3	3—4	2
«Локомотив» М.	3	3—5	2
«Зенит»	2	1—2	1
«Торпедо» М.	2	1—2	1

АРВОХЛАР

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

«Бонн реваншчиларининг қуролланиш пойгаси солиқлар турини янада кўпайтириб, ГФР оддий граждалининг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда».

* * *

Яқинда мен ҳарбий-ҳаво кучларимиз Американинг янги «Арвоҳ III» қирувчи-тутувчисини олиши кераклигини эшитиб қолдим. Сўнгги пайтларда қўшимча солиқни тўлаганимдан кейин мен бунақанги сотиб олинган нарсаларга жуда қизиқиб қолгандим. Шунинг учун ҳам маслаҳат юзасидан бундестаг мудофаа комитетининг раиси Крюмелга мурожаат қилдим:

— Айтингчи, янги тутувчи самолёт бизга нимага керак бўлиб қолди?

— Чунки биздаги эски тутувчи, етти йилдан бери синаб кўришимизга қарамай ўзини оқламаяпти.

— Унинг камчилиги нимада экан?

— У ҳақиқий тутувчи эмас. Чунки уни «Юмбо» транспорт самолётидан ўзлаштиришган.

— Ушанда ундан бошқа тутувчининг янгироқ хили ҳақида гап бўлмаганмиди?

— Бўлмасам-чи. Французларнинг «Фантомас IV» тутувчиси бизга маъқул тушганди.

— Нега бўлмаса уни сотиб олмадик?

— Американикларнинг жаҳлини чиқармайлик, дедик-да.

— Нима, рад жавобидан французларнинг жаҳли чиқмадими?

— Албатта, ғазабланишди. Лекин биз уларни тинчитишга муваффақ бўлдик.

— Қандай қилиб?

— Биз улардан 124 та «Ҳужум» танки сотиб олдик.

— Нима, улар бизга керакмиди?

— Йўқ. Шунинг учун ҳам биз уларни дарров Гуандега сотиб юбордик-да.

— Танклар Гуандега нима учун керак бўлган экан?

— Қўшни Палавияга бостириб кириш учун.

— Палавия учун бунинг оқибати қандай бўлди?

— Уни деярли ер билан теп-текис қилиб ташлашди.

— Бунинг биз учун бирор таъсири бўлмадими?

— Бўлди. Биз Палавияга ўзини тиклаб олиш учун 24 миллион марка миқдорида ёрдам беришга мажбур бўлдик.

— Буни катта зарар деб аташ мумкинми?

— Нега энди. Ахир эски тутувчи самолёт учун бундан ҳам кўп сарфланганди-ку.

— Янги самолёт қанақа ўзи?

— «Арвоҳ»ми? Ажойиб машина! Лекин унинг ҳам ғалати томонлари бор.

— Қанақа? Улар тез-тез йиқилиб тушяптими?

— Йўқ, аксинча. Улар унча яхши учишмаяпти. Бешта машинадан тўрттаси ердан кўтарила олмади.

— Тутувчи самолётнинг яна бирор хили ҳақида гап бўлмадими?

— Нега бўлмасакан. Албатта бўлди. Италиянинг «Шайтон VII»сини муҳокама қилдик. Жуда зўр машина! Атайлаб бизнинг шароитга мослаб қурилгандай. Бунинг устига бирам арзонки...

— Нега энди биз шу самолётни сотиб олмадик?

Крюмель менга еб қўйгудай тикилиб, сўради:

— Сиз бизнинг америкаликлардай дўстларимиздан ажралиб қолишимизни истаяпсиз, шекилли?

Вольфганг ЭБЕРТ.

Гамбургда чиқадиган «Штерн» газетасидан.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ёғингарчиликнинг бўлмаслиги, қолган жойларда ёмғир ёғиши кутилади. Шимоли-ғарбий томондан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол 12-17 метргача кучая боради. 6-11, айрим жойларда 16 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво булутли бўлиб, ёмғир ёғади. Ғарб томондан 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — Чангчи Р. Неъматов чалади. 10.10 — Эстрада чолғу миниатюралари. 10.30 — А. Козловский. Иккинчи қорақалпоқ сюитаси. 11.15 — «Фан ва ишлаб чиқариш». 11.30 — Ўзбек операларидан парчалар. 12.45 — М. Ляховский. «Деҳқон» (радиоочерк, русча), 13.30 — К. Шульженко ва В. Трошин куйлайди. 15.15 — «Саҳнада — замондошимиз» (радиокомпозиция). 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг ижоди. С. Жалил. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Экиш илғорларига тенглашайлик» (русча). 18.10 — Рақс куйлари. 18.40 — Спорт. 19.20 — Кекса ижрочилар концерти. 20.00 — «Ешлик» программаси. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт. 22.20 — Куйлардан-куйларга. 22.40 — Б. Кербобоев. «Дадил қадам» (романдан парча). 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Болалар учун эшиттириш (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.25 — Телеянгиликлар, 18.40 — Тошкент истиқболи, 19.00 — Реклама ва эълонлар, 19.05 — Кинолетописнома саҳифалари.

Ўзбек тилида: 19.55 — Ўн минут музика, 20.05 — Адабий театр. Ю. Фучик. «Дор остидаги сўз», 20.55 — Телеянгиликлар, 21.10 — «Пропагандист» тележурнали, 21.40 — Етти хазинанинг бири, 22.00 — Ғазал ҳақида баҳс.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Олмаота кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Мен Қозоғистонман» (Телефильмнинг 5 ва 6-сериялари). 20.40 — Классик куйлар саҳифалари.

Рус тилида: 21.20 — «Катта оила» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/IV да Евгений Онегин, 16/IV да Жизель, 17/IV да Чио-Чио-Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да Бойила хизматчи, 16/IV да Парвона, 17/IV да Алжонларим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да Дийдор (кундуз соат 5 да), 16/IV да Учинчи орзу.

КИНО

Қоҳира 30 йилларда — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1-15 минут, 5 ва кеч 8 яримда), «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Асримиздан миллион йил илгари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Альтон тутқунлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

«СРЕДАЗГИПРОТОРГ» ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИГА

инженерлар: қурувчи-конструкторлар, архитекторлар, сув таъминоти ва канализациялар бўйича сметачилар, топографлар ҳамда план бўлимига бошлиқ, бухгалтер, хўжалик мудири, машинисткалар, дурадгор

КЕРАК

Турар жойи бўлмаганлар бир йил ичида уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-60, Пролетар кўчаси, 16 «а» уй, кадрлар бўлими (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 18 трамвайлар, 1, 3, 5, 11 троллейбуслар, 25, 48, 59-автобусларнинг «Дизельная» бекати).

«УЗКООПСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент ва «Хумсон» дам олиш уйи қурилишида ишлаш учун

(ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар, бетончилар, электрчилар, қопловчи-печкачилар, юнчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи келишиш йўли билан.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, 5-уй. (7, 10 троллейбуслар, 10, 14, 43, 56 автобусларнинг «Трактор йиғув заводи» бекати).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 336679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 333142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—86, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 89. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01296.